

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 64 (10.117)

2004 ЙИЛ 5 АПРЕЛЬ



Шаҳримиз кўча ва хиёбонлари, майдон ва бозорлари, дўконлари, маҳаллалари ва олий ўқув юргларида ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Жамоат транспорти ҳам одатга кўра қатъий тартиб асосида ишламоқда.



XVI сағоси
Барча маъбаларлар олдинга сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг АҚШ Президенти Жорж Буш билан телефон орқали суҳбати бўлиб ўтди. АҚШ Президенти террорчилик ҳаракати қурбонлари оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилди ва Ўзбекистон халқини кўллаб-қувватлашини билдирди.

• Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган муҳиш террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар раҳбарларидан чўқур ҳамдардлик билдирилган мактублар келиши давом этмоқда.

• Европа Иттифоқининг Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган махсус дастурга мувофиқ Нукус шаҳри, Беруний, Амударё, Қўнғирот, Мўйноқ ва Чимбой туманларининг тиббиёт ходимлари замонавий усулда ташхис қўйиш ва даволаш бўйича махсус курсларда ўқитилди.

• Пушкин номидаги Самарқанд Давлат кутубхонасида Германиянинг Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликда дебат-клуб очилди.

• Урганчдаги 1-виллоят клиник касалхонаси диагностика бўлимида энг замонавий тиббий жиҳозлар ўрнатилди. Спираль компьютер томография яширин кечаётган касалликларни аниқ ва тез аниқлаш ҳамда даволашнинг энг маъқул усуллари ташлаш имконини беради.

Жаҳонда

• Берлинда Афғонистонни тиклаш масаласига бағишланган халқроқ конференция ниҳоятга етди. Унда наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши курашни кучайтириш мақсадида Афғонистон атофида «Хавфсизлик камари» яратиш тўғрисида битим тузилди.

• Франция Президенти Жак Ширак ҳукумат таркиби ўзгарган, ташқи ишлар вазирлиги қайта тайинланган бўлса-да, мамлакатнинг ташқи сийосати ўзгармаслигини баён этди.

• Шри-Ланкада мамлакат парламенти сайловлар бўлиб ўтди.

• Испания полицияси 11-мартда Мадрид шаҳрида содир этилиб, кўпчилик кишилар умрига зомин бўлган портлашнинг бошқарувчиси шахсини аниқлади. У Сарҳан бен Абделмахи исмли шахс бўлиб, 2003 йилда ҳам Мадридда террорчилик ҳаракатини содир этишга уринган экан.

Пойтахтнинг бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

• **ЖАҲОН** иқтисодий ва дипломатия университетиде бўлиб ўтган семинар «Европа иттифоқи — Ўзбекистон Республикаси ҳамкори» деб номланди.

• **РЕСПУБЛИКА** ихтисослаштирилган кўз микрожарроҳлиги марказида Швейцариядан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар тақдироти бўлиб ўтди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошидаги Органик кимё илмий-текшириш институтида ўтказилган йилги олимлар томонидан органик кимё фани ривож учун кейинги йилларда амалга оширилган илмий изланишлар таҳлилига бағишланди.

• **РЕСПУБЛИКА** перинатал марказида оналик ва болаликни ҳимоя қилишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш масаласига бағишланган тадбир уюштирилди.

• **РЕСПУБЛИКА** Шошилинч тез тиббий ёрдам марказига хориждан замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида ўқитувчилар, талабалар, ҳуқуқшунослар иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман «Инсон траффига қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий муаммолари» деб номланди.

• **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тинчлик—энг улуг неъмат ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

Мустақиллик туфайли юртимиз номини бутун дунё таниди. Ўзбекистондек муқаддас замин, унинг меҳнаткаш, меҳмондўст, фидойи халқи борлигидан хабар топди. Утмишда не-не балою офатлар, меҳнату машаққатларни бошдан кечирган халқ Истиқлол туфайли ягона Ватан туйғуси, дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаб, бир оила фарзандларидек эртанги кун равнақи, фарзандлар камоли, порлоқ истиқболи йўлида меҳнат қилмоқда. Элу юртимизнинг тинчлигини бузиб, одамлар юрагига гулгула, эзгу ниятлар билан бошланган ишларимизга раҳна солмоқчи бўлган галамисларнинг қилмишлари эса бутун дунё аҳли томонидан қораланмоқда. Ўз иш жойларида суръатни янада ошириб, тинчлик ва осойишталикни сақлашда бир ёқадан бош чикариб ҳаракат қилаётган ҳамшаҳарларимиз терроризмга, юртимизда бундай бузғунчилик ҳаракатларининг бўлмаслигига ўз муносабатларини билдирмоқдалар.

Назриддин РИЗАМЕТОВ,
Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси:

— Ўзбекистон халқининг эртанги кунга бўлган ишончини ва метин иродасини букишни мақсад қилган разил кучларнинг қора қилмишлари барчамизнинг оғоҳ, хушёр ва доимо сезгир бўлишимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Чувварани хом санаган манфур кимсалар боболаримиз ҳоқи ётган муқаддас заминимиз, ўзимиз ва оиламиз шашни, тинчлигимиз, осойишталигимизга ҳеч ким дахл қила олмаслигини англаб етмаганлар чоғи. Зеро, бизнинг куч-қудратимиз, аввало юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг яқдиллиги, қолаверса ниятимизнинг улуг ва холислиги, бағрикенглигимиздадир. Мана шундай олижаноб мақсадли, буюқ фазилатли эл ҳар қандай шароитда ҳам эртанги кунга умид ва ишонч билан яшайди. Келажақ сари дадил интилаётган халқимизни ўз мақсад ва интилишидан ҳеч бир куч тўхтаиб қололмайди. Ватанимиз мустақиллигини асраб-авайлаш, буюқ мақсадларимизни рўёбга чиқариш йўлида доимо хушёр ва оғоҳ бўлайлик, ўз фуқаролик бурчига садоқат каби умуммиллий манфаатлар атофида жипслашиб яшайлик.

Маҳбуба РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Хувайдо» маҳалласи хотин-қизлар комиссиясининг раисаси:

— Тинчлик — энг улуг неъмат. Уни асраб-авайлаш эса шу заминда яшаб, меҳнат қилиб келаятган барча инсонларнинг муқаддас бурчидир. Юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари маҳалламиз ахлини қаттиқ изтиробга солди. Биз оналарнинг тилагимиз битта: юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, фарзандларимиз хур, бахтиёр бўлсин. Бунинг учун эса ҳамisha оғоҳ ва сезгир, маҳалла-кўй, кўни-кўшнilar билан ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чикариб оғоҳ ҳаёт, тинч, фаровон кунлар қадрига етиб, уни ёмон кўзалардан, ёвуз ниятли кимсалардан асрашимиз лозим. Маҳалла — ҳамжиҳатлик, бирдамлик ўчоғи, катта куч, у бирлашса ҳеч ким уни енголмайди.

Наҳмиддин ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, меҳнат фахрийси:

— Узоқни кўра олмайдиган ёвуз ниятли кишилар яхшилик, ҳурлик, озодлиқни ҳеч қачон енгиб бўлмаслигини унутиб қўйганлар ёки улар бундай инсоний фазилатлардан бутунлай беҳабарлар. Бутун кенг жамоатчилик, ёшларнинг фикрларидан, қатъий аҳдларидан шуни англаш мумкин: озоод ва обод Ватанимизнинг эртанги кунига қаттиқ ишонамиз, уни кўз қора-чиғидек асраб-авайлаб, ҳимоя қиламиз.

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик хуружлари муносабати билан Мирзо Ғолиб маҳалласида йиғилиш бўлиб ўтди.

ЎВУЗ КУЧЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

Унда сўзга чиққанлар содир этилган муҳиш террорчилик ҳаракатлари мамлакатимиз хотин-қизлари қалбини ҳам ларзага солганини таъкидладилар. Бу воқеалар тинч ва осуда ҳаётимизни кўролмайдиган ёвуз кучларнинг эл-юртимиз осойишталигини бузиб, одамлар юрагига гулгула солиши, эзгу ва хайрли ишларимизга тўсиқ қўйишга қаратилган. Лекин улар бу манфур ниятларига ҳеч қачон эришолмайди.

Бундай вазиятда халқимиз Юртбошимиз атофида жипслашиб, террорчилар ҳаракатларига қарши ўзининг аҳиллиги, оғоҳлиги ва хушёрлиги билан муносиб жавоб беради, деб таъкидланди. Зеро, аҳил ва иноқ, бир мақсад сари қатъий турган халқни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Йиғилишда Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсида истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар қалби ва онгига Ватанга, халққа меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш борасида қўйилган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари, маҳаллалар фаоллари олдида турган вазифалар режаси белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чикди.

ЎЗА

Ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлайлик

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров март ойининг охирида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳужжатларини текшириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништирди. У таъкидладики, барча воқеалар бўйича жиноий ишлар қўзғатилган ва тергов олиб борилмоқда. Тезкор қидирув маълумотлари асосида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан террорчилик актларига дахлдор шахсларни аниқлаш, топиш ва қўлга олиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Сўнги кунлардаги террорчиликка алоқадор воқеалардан бири - Бухоро вилоятининг Ромитан туманида 1 апрел куни рўй берган ҳодиса тафсилотлари маълум қилинди. Хусусан, Фароғат Ақромова ўз уйида қўлбола портлаш мосламасини ишга туширган. Натижада у оғир жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган, 10 ёшли Зарина Саидова эса портлаш содир бўлган жойда ҳалок бўлган, бошқа жабрланганлар йўқ. Аниқлашчи, Ақромова 28 март куни шу тумандаги Раззоқовлар уйида рўй берган портлаш пайтида ҳалок бўлган Бобур Омоновнинг ҳалоси, Саидова эса унинг синглиси экан.

Текшириш давомида террорчиларнинг ёвузликларига оид бошқа фактлар ҳам аниқланмоқда. Хусусан, жиноятчиларнинг ўзлари томо-

нидан ясалган портлаш мосламаларининг портлаши туфайли ҳамда махсус операциялар давомида 33 нафар террорчи йўқ қилинган, улардан етти нафари аёллардир.

Бугунги кунда террорчиликка дахлдорликда гумон қилинаётган 19 киши қўлга олинган, уларнинг тўрт нафари хотин-қизлардир. Уларни қўлга олиш пайтида жиноят жойида

бошқа металл буюмлар, шунингдек, портлатиш мосламаларини ясашга оид зарур йўриқномалар топилган.

Бундан ташқари, 2 тоннадан ортиқ алюмин кукуни, аммиак селитраси ва уларнинг аралашмаси, 7 та «Калашников» автомати, 11 та турли русумдаги пистолет, автомат ва пистолетлар учун 2 мингта жанговар ўқлар, 2 та жанговар граната топилган.

Ана шу буюмларнинг келиб чиқиши ҳамда портловчи моддалар таркиби бўйича криминалистик экспертизалар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, қўлга олинган диний адабиётлар қайси ақидаларастлик диний оқимга мансублиги мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Бош прокурор тергов жараёнида ушбу ёвузликлар уюшган ягона жиноий марказ орқали бошқариладиган жиноий гуруҳ томонидан содир этилганлиги ишончли далиллар асосида аниқланганлигини маълум қилди. Мазкур гуруҳ аъзоларининг аксарияти республикамиздан ташқарида жанговар тайёрлардан ўтган. Булар Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари халқаро террорчилик ташкилотлари томонидан содир этилган, дейишга асос бўлади.

Бош прокурор тергов жараёни ҳусусида журналистлар ва жамоатчилик мунтазам равишда хабардор қилиб борилишини қайд этди.

ЎЗА

Эйтиборга молик жиҳати шундаки, олдий фуқаролар фикри қўллаб-қувватлаш давлатлар расмий шахслари, халқаро ташкилотлар вакилларининг террорчилар жиноятларига берган баҳоси билан ҳамоҳангдир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг амалдаги расиси, Болгария ташқи ишлар вазири С.Пасси Тошкентда содир этилган террорчилик хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарни эшитиб, «Бу фақатгина ЕХХТга аъзо 55 давлатнинг ушбу вабо тарқалишига қарши курашни тасарруфимизда мавжуд барча воситалар билан олиб боришга қатъий қарорини қайта жонлантиради», деб таъкидлади.

«Террорчилик, айирмачилик ва экстремизм — айнан шу уч ёвузлик минтақавий тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда, — деб қайд этди ХХР ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин. — Хитой ҳукумати Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг мазкур уч ёвузликка қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайди ва бутун дунё ҳамжамияти, шу жумладан, Ўзбекистон билан ақсилтеррор соҳада ҳамкорликни кучайтиришни давом эттиришга тайёрдир».

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ижроия қотиб Чжан Дэгун мамлакатимиз ҳукумати саъй-

ҳаракатлари ва чораларини қўллаб-қувватлашини қайд этиб, ШХТга аъзо барча давлатлар билан биргаликда бутун минтақада ва ҳар бир аъзо давлатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган муштарак саъй-ҳаракатлар орқали террорчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришга тайёрлигини

ти-ҳаракатлари халқаро террорчиликка қарши курашда жамоавий фаолиятини кенгайтириш зарурлигини кўрсатди, — деди Россия ташқи ишлар вазири С.Лавров Берлинда Афғонистон бўйича бўлиб ўтган халқаро конференцияда. — Ўзбекистондаги террорчилик хатти-ҳаракатлари барчамиз учун ғайрат-шижоатимиз-

сада амалга оширилганидан қатъи назар кескин қоралайди, — дейилади Туркия Ташқи ишлар вазирига баёнотида. — Бутун жаҳон барқарорлигига таҳдид туғдираётган террорчиликка қарши халқаро ҳамжамият ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштирган тақдирдагина муваффақиятли курашни мумкинлигини Туркия халқаро миқёсда кўп марта таъкидлаган ва унга қарши курашни давом эттиришга қатъий эканини билдиради».

«Ўзбекистонда содир этилган ҳамда беғуноҳ одамларнинг қурбон бўлиши ва жабр кўришига сабаб бўлган террор ҳуружлари ҳақидаги хабар Украина парламенти аъзоларини чуқур қайғуга солди, — дейилади Украина Верховний Радаи раиси В.Литвиннинг ўзбекистонлик депутатларга йўллаган мактубида. — Террорчиларнинг ваҳшийлигидан қалбимиз ларзага келди. Улар ўз қабیح жиноятлари учун муқаррар жазога лойиққиллар».

Қозғоғистон ва Қирғизистон парламенти раҳбарлари Ж.Туяқбой ва М.Убайдуллаев ҳам «қабیح ва ваҳший террор ҳуружлари» натижасида жабр кўрганларига қариндош-уруғларига самимий ҳамдардлик билдириб, Ўзбекистон ҳукумати саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлашларини таъкидлашган.

«Жаҳон» АА

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН БРИФИНГ

Хабар қилинганидек, Республика Бош прокуратурасида хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

шахсни тасдиқловчи кўп миқдордаги қалбаки ҳужжатлар топилди. Ҳужжатларнинг қаерда тайрлангани синчковлик билан ўрганилмоқда.

Террорчиларнинг қурол-яроғ арсеналида 55 дона қўлбола портлаш мосламаси, алюмин кукуни, аммиак селитраси аралашмаси солинган 72 та ярим литрли пластмасса идиш, қўлбола портлатиш мосламасини тайёрлаш учун мўлжалланган компонентлар: 271 та электродетонатор, 210 та микросхема, 64 та тумблер-переключател, 300 метр сым, 8 та СВ-4 қўлбола портлатиш мосламаси заряди, 30 килограмдан ортиқ болт, гайка, шайба, зўлдилр ва

ДУНЁ ҚОТИЛЛАРНИ ҚОРАЛАМОҚДА

Шу кунларда Тошкент ва республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси дунёнинг қатор мамлакатларидаги ўзларининг ишбилармон шерикалари, дўст ва биродарларидан телефон ва Интернет орқали таъзия ва ҳамдардлик билдирилган мактубларни қабул қилмоқдалар. Ўзбекистонда содир этилган террорчилик хатти-ҳаракатлари сайёрамизнинг миллионлаб инсонлари қалбидан дард-алам ҳис-туйғуларини уйғотди.

изҳор этди.


Буюк Британия Ташқи ишлар вазиригининг ўқори мартабали вакили Б.Раммел Ўзбекистонда содир этилган террор ҳуружларини «қабیح фитнакорлик», деб таърифлади. У қурбонларнинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдириб, «Дунёнинг бошқа мамлакатлари қатори биз ҳам террорчилик таҳдидига дуч келмоқдамиз ва бу балога қарши биргаликда ва ҳамжиҳатликда курашмоғимиз даркор», деб таъкидлади.

— Ўзбекистонда содир этилган террорчилик хат-

ни бир лаҳзага ҳам заифлаштиришимиз мумкин эмаслигини кўрсатувчи жиддий ишорадир, уни барча жабҳаларда янада кучайтириш лозим, деб таъкидлади Россия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари.

Британия парламенти депутати Г.Стритер диний-экстремистик ташкилотлар фаолияти юзасидан мамлакатимиз раҳбарияти хавотирларига тўла қўшилади ва «Ўзбекистон ҳукуматининг бу борадаги қатъий сиёсатига» юксак баҳо беради.

«Туркия ҳар қандай террор ҳуружларини ким томонидан ва нима мақ-



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Шу йил 20 мартда Хитой Тайпейда Орол мустақиллиги бўйича умумхалқ референдуми ўтказилган эди. Бироқ, аҳолининг кўпчилиги қатнашмаганлиги сабабли бу оммавий тадбир бекор қилинган. Шунга қарамасдан иккинчи мuddатга президентликка сайланган Чен Шуйбянь Орол ўзини мустақил давлат ҳисоблашини маълум қилди. Кузатувчиларнинг фикрича, Президентнинг бу чиқиши Хитой-Тайван муносабатларини янада совуқлаштиришига олиб келиши мумкин.

● Ариэл Шароннинг Вашингтонга ташрифи олдиндан Исроил аскарлари Хеврон худудининг Фарбий киргоғидаги постлардан бири олиб ташлади. Фарбий киргоғида ва Ҳазо секторидоги бир неча постларнинг олиб ташланиши «Йўл харитаси» режасини бажаришнинг мажбурий шартини ҳисобланади.

● Европа комиссияси замҳарли компонентлари кам бўлган бўёқлардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунни имзолади. Ушбу қонун иш фаолиятининг кўпданкўп соҳаларига, хусусан, машиналар ишлаб чиқаришдан тортиб пардозлаш ишларигача тегишлидир. У 2007 йилнинг 1 январидан кучга киради ҳамда саноат ва истеъмолчилар бунга мослашгунга қадар босқичма-босқич амалда тадбиқ этилади.

● Берлин расмийлари мамлакат муассасаларида диний кийимлар кийишни таъқиқлашди. Ҳукуматнинг бундай таъқиқлари ҳали ўз самарасини берганича йўқ. Агар аҳвол шу хилда кетарверса, Германия Федератив Республикаси бундай кийимларни таъқиқловчи қонун ишлаб чиқиши ҳам мумкин. Германияда мусулмон динига эътиқод қилувчилар талайгина. Шу сабаб бундай қарорлар мусулмон жамоаларига норозиликларга олиб келди.

● Буюк Британия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари содир этилиши мумкин бўлган терактнинг олдини олишган. ВВС ахборот агентлигининг маълумотига кўра, полиция томонидан ўтказилган антитеррор рейд давомида Лондон шаҳрининг гарбий қисмида 500 килограмм портлаш моддалари топилган. Буюк британиялик 8 нафар фуқаро бунга алоқадорликда гумон қилиниб, қўлга олинган.

● 11 март куни Мадридда юз берган воқеаларни уюштирган террорчиларни қидириш ишларига бошчилик қилаётган судья Хуан дель Ольмо террорчиликка алоқадорликда гумон қилинаётган яна беш нафар шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги халқаро ордерга имзо чекди.

2004 — Меҳр ва мурувват йили

УЙЛАРИГА ЕТКАЗИШАДИ

Пойтахтимиздаги «Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмаси тасарруфидаги 1-дориҳонанинг 4-бўлимида савобли иш йўлга қўйилган. Яъни мазкур бўлимга бириктирилган махсус бир доришунос тўшаққа ётиб қолган, қаровчисини йўқотган якка-ёлғиз уруш ва меҳнат фахрийларининг уйларига бориб, уларнинг саломатликларини доимий текшириб тургани ҳолда зарур дори-дармонлар билан ҳам таъминлаб келади. Айниқса, Меҳр ва мурувват йилида бу савоб ишга ҳар қачондан ҳам кўпроқ эътибор қаратилган.

— Дунёда ота-оналаримизнинг дуо-сини олишдан ҳам катта мукофот борми? Соҳамиздаги ютуқлар гаровини ҳам шу савоб ишларимиз учун қилинаётган эътиборда кўраман. Дориҳонанинг малакали доришуноси Муҳаббат Эргашева шахримиздаги 60 нафар миждозининг дори-дармонга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида қондириб келмоқда, — дейди дориҳонанинг имтиёзли доринома асосида дори-дармон тарқатиш бўлими мудир, олий тоифали доришунос Муҳаррам опа Нуралиева. — Йил бошидан бери уларга жами 650 номдаги дори-дармон тарқатилган. Рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, январь ойида 4 миллион 836 минг 486 сўмлик, февраль ойида 3 миллион 904 сўмлик, март ойида эса 4 миллион 38

минг 766 сўмлик дори-дармон, шундан 934 минг 176 сўмлик беморларнинг уйига бепул етказиб берилган. Бундан ташқари байрам кунлари бўлими-нинг бошқа доришунослари ҳам навбати билан уйда даволанаётган миждозларимиз саломатликларидан хабар олиб туришади.

Бу соҳада айниқса бўлимининг провизори Нодира Исломова, фармацевт Маҳмуда Охунова каби ходимларимиз дориҳонага ташриф буюрган миждозларимизга малакали хизмат кўрсатиб, уларнинг ташаккурларига сазовор бўлмоқдалар.

Дарвоқе, Юнусобод тумани, 4-мавзе, 43-уй, 54-хонадонда яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси С.Ҳақимов, Яккасарой тумани, Самарқанд кўчаси, 20-уй, 6-хо-



надонда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси К.Чичкан, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 11-уй, 47-хонадонда турувчи уруш ногирони, республикада хизмат кўрсатган врач Х.Жалилов каби миждозларининг дил сўзларини эшитиб, дориҳона аҳли Меҳр ва мурувват йилини қанчалар мазмунли ўтказаяётганига ҳавасимиз келди. Зеро, қарияларимиз «Дуо олган етар муродга» деб бежиз айтмаганларига яна бир қарра амин бўлдик.

Зоир ТУСУНОВ
СУРАТДА: 1-дориҳона доришунослари II жаҳон уруши қатнашчиси, II гуруҳ ногирони Халил Жалиловга дори-дармонлар топширмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Юртимиз истиқлолга эришадиган сўнг Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ҳар йили мамлакатимиздаги барча мактабларнинг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаблар тарбияланувчилари учун давлат бюджетидан маблағ ажратиб келинмоқда. Мактабларнинг 2-синфидан бошлаб эса дарсликлар сотуви ташкил қилинади. Айни пайтда дарсликларни сотиб олиш борасида имкониятлари нисбатан чекланган ота-оналар, ўқувчилар борлиги табиий. Вазиятни мураккаблаштираётган ҳолатлардан яна бири шундаки, дарсликларни уларга белгиланган нарх устига қўшиб сотиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Шу боис ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш тизимини қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил февралдаги «Она ва бола» Давлат дастури тўғрисидаги қарорига биноан 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида ўқувчиларни ижара усулида дарсликлар билан таъминлаш тизими синовдан ўтказилмоқда. Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси менежери Гўзал Тугеева ижара тизими борасида амалга ошириладиган ишлар ҳусусида бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими шундай усулки, унга кўра ўқувчи мактаб кутубхонасидан бир ўқув йилига Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган дарсликларни ижара тўловини тўлаш ҳисобига олади. Дарсликларни ижарага беришда ижара тўловини тўлаш жараёни, китобни бериш ва ўқув йили

охирда яхши ҳолатда китобни қайтариш, дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими ҳисобланади. Бу орқали ота-оналарни дарсликлар сотиб олишга ажратадиган маблағини кескин камайтириш ва ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш имконини оширишга эришилмоқда. Ҳозир дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимида ижарадан

таълими вазирлиги дарсликларни яратиш ва харид этишни танлов асосида амалга оширишга эришди. Натижада дарсликларнинг матбаа сифати яхшиланди, уларнинг таннархи арзонлашди ва умумтаълим мактабларда муқобил дарсликлардан фойдаланиш имконини яратилди. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи республикамизда ижара тизи-

нинг учун 2001-2002 ўқув йилида ижара тизимини жорий этиш бўйича ўтказилган тажриба-синов вақтида дарсликлар мактабларга қадар етказиб беришга ҳаракат қилинди. Хали бу борада кўп иш қилишимиз зарур.

Дарсликларни жойларга етказиб бериш муаммоларини ҳал этиш йўлларида бири дарсликларни мактабларга қадар етказиб берувчи ташкилотларни очиб танлов асосида белгилашдир. Бундан ташқари мактаб маъмурияти учун дарсликларни қабул қилиш бўйича йўриқномалар тайёрлаш лозим. Ижара тизими киритилган дарсликлар ҳукумат томонидан ижара тизимига кирган мактаб ўқувчиларига етарли миқдорда етказиб берилади. Ижара тизими учун харид қилинган дарсликларни очиб сотувга чиқариш тақиқланган. Шунинг учун уларнинг муқовасида «ДАЖ» (Дарсликларни айланма жағармаси) ва «Сотувга чиқариш тақиқланган» деган ёзувлар қўйилган. Очиб сотувга чиқарилган дарсликларнинг муқоваларида дарсликларнинг таннархи қўйилиб чоп этилади.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ижара усули бошқича-бошқича амалга оширилади. Ҳозирда 4,5,9-синф ўқувчилари айрим дарсликларни ижара усулида мактаб кутубхона жамғармаларидан олишлари мумкин. Халқ таълими вазирлиги 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб 2-ва 3-синф ўқувчиларини она тили, ўқиш китоби, математика дарсликларини билан ижара усулида таъминлашни режалаштирган. Шунини айтиш керакки, ижара тизимида ота-оналар ва мактаб маъмурияти ўзларига керакли дарсликлар учун ижара ҳақи йиғишади. Агар ота-оналарга тизим қулай бўлмаса, улар ижара ҳақини тўламайди ва тизимда қатнашмайди.

Орзулгу РУСТАМОВА
суҳбатлашди.

Долзарб маълумот

ЯНГИ ТИЗИМ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда тараққиётнинг бозор иқтисодиёти тамойиллари тобора мустақкам қарор топиб бораётгани натижаси ўлароқ барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига мўлжалланган дарсликлар эркин сотувга чиқарила бошланди.

тушган маблағлар мактабларда очилган махсус депозит ҳисоб рақамларида сақланмоқда. Халқ таълими вазирлиги ва мактаблар мазкур ҳисоб рақамидagi маблағларни дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимида боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларга ишлата олмайди. Халқ таълими вазирлиги ушбу дарсликлар айланма жамғармаси асосий ҳисоб рақамининг бошқарувини, банкдан барча операцияларни батафсил ёритувчи банк ҳисоботини олиш, уларни текшириш ва назорат қилишни лойиҳани амалга ошириш гуруҳига юклатган.

— **Дарсликларнинг нисбатан арзон, сифатли, бунга қандай эришилмоқда?**
— Ижара тизимини жорий этиш учун энг аввало дарсликларнинг матбаа сифати юқори бўлиши ва мазмун жиҳатидан 4-5 йилга қўлланилиш имконини яратишга алоҳида эътибор бердик. Бунинг учун Халқ

ми учун чоп этилган бир неча дарсликларни сифати ва чидамлилигини текшириш мақсадида Буюк Британиянинг нашриёт ва босмаҳоналарининг махсуслот сифатини баҳолаш консултатив «Пайра» ташкилотининг экспертизадан ўтказди. Мазкур ташкилот экспертиза учун юборилган дарсликларнинг баъзи жиҳатларига эътироз билдиришига қарамай, дарсликларнинг матбаа сифати бўйича 4-5 йил ишлатиш имконини борлиги ҳақида ўз хулосаларини бизга юборди.

— **Умумтаълим мактабларини дарслик билан таъминлаш тизимининг энг катта муаммоларидан бири уларни мактабларга етказиб беришдир. Мазкур жараён қандай ҳал қилинмоқда?**

— Ижара тизими учун харид этилган дарсликларни жойларга етказиб бериш ҳозирги кунда ҳақиқатан ҳам долзарб муаммо. Шу-

Транспорт

МАРКАЗНИНГ ЯНГИ ШОХОБЧАСИ

Шаҳримиз аҳолисига «Мерседес-Бенц» русумли замонавий автобуслар намунаси хизмат кўрсатишмоқда. Зеро, Германиядан олиб келинган бундай қулай транспорт воситаси ўзинг ишончли ва мустақкамлиги, қулай ва шинамлиги билан йўловчиларга манзар бўлмоқда.

Улардан яхши фойдаланиш ва техник жиҳатдан умрини «узайтириш» мақсадида «Тошшаҳарйўловчигранс» Давлат уюшмаси қатор муҳим тадбирларни кўрди. «Мерседес-Бенц» автобусларини таъмирлаш ва уларга сервис хизматини кўрсатиш марказлари очилди.

Иккинчи ва саккизинчи автобус саройларида фаолият кўрсатаётган бундай марказлар хизматидан ҳайдовчилар мамнун. Тошкентта яна 300 та автобус келтирилиши муносабати билан автобус саройида ушбу марказ шохобчаси юзага келди.

ТЕХНИКА

ИЖОДКОРЛАРИ

«Тошшаҳарйўловчигранс» Давлат уюшмаси тасарруфидаги носозликларни тиклаш хизмати корхонаси жамоаси ўз зиммасига юклатилган вазифани яхши адо этиб келмоқда. Бу ердаги мавжуд машиналар, автокўтаргичлар, трактор механизмлари шаҳар жамоат транспортининг бир маромда ишлашини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Корхонада техника ижодкорлиги ҳам йўлга қўйилган. Сюз ва носоз транспортларга мўлжалланган қатор эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришда рационализаторлар фаоллик кўрсатишмоқда. Техника ижодкорлиги бўйича уюшма томонидан уюштирилган танловда корхонанинг ўнга яқин рационализатори голибликни қўлга киритди.

МЕХНАТЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Шаҳримизда ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлиб, йўловчиларга намунаси транспорт хизмат кўрсатиб келётган ҳайдовчилардан бир гуруҳининг меҳнати муносиб тақдирланди. 8-автобус саройининг моҳир ҳайдовчиси Нурулла Пўлатов шулар жумласидан.

Кўп йиллик самарали меҳнати, ишлаб чиқаришда эришадиган юқори кўрсаткичи учун «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти фахрий ходими» нишонига сазовор бўлганлар орасида «2-автобус саройи» чилангари Баҳромкул Шамсиев, «18-автобус саройи» ҳайдовчиси Баҳром Маҳмудовларнинг ҳам борлиги қувонарлидир.

Ақбар АЛИЕВ



Давоми. Боши

Утун сонда.

ЧОРШАНБА, 7

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'
8.00-8.35 'Ахборот'
8.35-17.55 ТВ маркет
8.40 Газаеллар шаҳри...

Тошкент телеканаллари

17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 ТВДада сериал.
'Луиза Фернандас'...

Спорт телеканаллари

7.30 'Хабарлар'. (Ўзбек тилида)

НТВ

5.00 Утро на НТВ
7.50, 19.45 Сериал 'Пятый ангел'...

30-й канал

8.30 11.10, 13.40, 17.30 Местное время.
Вести-Москва...

ТВЦ

6.45 Канал 'Настроение'
9.45 Газетный журнал...

ТВБ

8.55 Илим
9.25 Тонгги сериал.
'Жизнь в Восточном...'...

Первый канал

5.00 'Доброе утро'
8.00, 11.00, 14.00, 17.00.
Новости...

ТВЦ

6.45 Канал 'Настроение'
9.45 Газетный журнал...

ТВБ

8.55 Илим
9.25 Тонгги сериал.
'Жизнь в Восточном...'...

ТВЦ

6.45 Канал 'Настроение'
9.45 Газетный журнал...

Ўзбекистон телеканаллари

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс...

Спорт телеканаллари

7.30 'Хабарлар'. (Ўзбек тилида)
7.45 'Бардам бўлинг'...

НТВ

5.00 Утро на НТВ
7.50, 19.45 Сериал 'Пятый ангел'...

ТВЦ

6.45 Канал 'Настроение'
9.45 Газетный журнал...

ТВБ

8.55 Илим
9.25 Тонгги сериал.
'Жизнь в Восточном...'...

Первый канал

5.00 'Доброе утро'
8.00, 11.00, 14.00, 17.00.
Новости...

ТВЦ

6.45 Канал 'Настроение'
9.45 Газетный журнал...

ТВБ

8.55 Илим
9.25 Тонгги сериал.
'Жизнь в Восточном...'...

ТВЦ

6.45 Канал 'Настроение'
9.45 Газетный журнал...

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'
8.00-8.35 'Ахборот'
8.35-17.55 ТВ маркет...

Спорт телеканаллари

7.30 'Хабарлар'. (Ўзбек тилида)
7.45 'Бардам бўлинг'...

НТВ

